O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI ANDIJON VILOYATI OLTINKO‘L TUMANI HOKIMINING

QARORI

2022 - yil 19 - yanvar 22-1-15-Q/22 Oltinko‘l tuman hokimligi

Олтинкўл туманидаги умумфойдаланувдаги автомобиль йўлларига йўлбелгилари ўрнатилишига рухсат бериш тўғрисида.

Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 10 апрелдаги “Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги ЎРҚ-348-сонли *(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 15-сон, 197-модда; 2015 й., 52-сон, 645-модда)* Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 24 декабрдаги “Йўл ҳаракати қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 370-сонли *(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 3-сон, 23-модда; 2017 й., 36-сон, 958-модда)* қарори ижросини таъминлаш, Олтинкўл тумани ҳудудидан кесиб ўтувчи автомобиль йўлларида транспорт воситаларининг тирбандликлар юзагакелишини олдини олиш, пиёдалар ва транспорт воситаларининг ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида, Олтинкўл туман ИИБ ЙҲХГнинг 2021 йил13 декабрь кунги 34/6-сонли хатини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуннинг 6-, 25-моддаларига асосан

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Олтинкўл туман ИИБ ЙҲХГнинг 2021 йил13 декабрь кунги 34/6-сонли хати маълумот учун қабул қилинсин.

2. Мазкур қарор қабул қилиниши муносабати билан:

- Олтинкўл тумани Оқтепа маҳалла фуқаролар йиғинидан ўтувчи 4 Р

112 “Фарғона ҳалқа йўли”да жойлашган Оқтепа деҳқон бозори олдига (ҳафтанинг шанба кунига йўлнинг ўнг, чап томонига) **(**ПК 130+200 км**) 3.27 “Тўхташ тақиқланган”** йўл белгиси ўрнатилиши ҳамда **1.4 (ҳошияси сариқ) “Тўхташ тақиқланган жой”** ётиқ чизиқ чизилишига рухсат берилсин.

3. Туман йўллардан фойдаланиш Унитар корхонаси (**Н.Усмонов**)га мазкур йўл белгиларини ўрнатиш вазифаси юклатилсин.

4. Туман ички ишлар бўлими (**Б.Нурматов**)га ушбу ҳудудда ҳаракатланувчи транспорт воситаларини мазкур йўл белгиларига қатъий риоя қилинишига ҳамда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш вазифаси юклатилсин.

5. Мазкур қарор оммавий ахборот воситалари орқали эълон қилинган кундан бошлаб қонуний қучга киради.

6. Олтинкўл туман ҳокимлиги матбуот хизмати раҳбари **С.Абдуллаевга** ушбу қарорни “Олтинкўл” газетаси ва туман ҳокимлиги расмий веб-сайтига жойлаштирилиш вазифаси топширилсин.

7. Ушбу қарорни ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари **Н.Бурхонов** зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими **И.Матрузиев**